

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

Р е Ф е Р А Т

Мавзу: Оила педагогикаси ва бола тарбияси.

Бажарди: 21-15 гуруҳ талабаси Айнакулов Комилжон

ГУЛИСТОН 2016

Мавзу: Оила педагогикаси ва бола тарбияси.

Режа

- 1.Оиланинг мамлакатлик сиесатта тутган урни.
- 2.Янги оилани шакиллантириш асослари.
- 3.Замонавий оиланинг узига хос хусусиятлари.
- 4.Инсоний қадриятларнинг шаклланиш даражаси.
- 5.Ота-онанинг саводконлик даражаси.
- 6.Мустакил Ўзбекистоннинг оилаларининг миллий ҳаракатлари.

Жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиетини жадаллаштириш шароитида инсон омилини вужудга келтириш давр талабига айланди. Баркамол инсон ҳақида, унинг меҳнати ва турмуши, маънавий тараққиети ҳақида ғамхўрлик жумхуриятимизнинг асосий максадидир. Киши хислатлари унинг меҳнатга, маънавий, ғоявий ва маданий бойликларга муносабатининг асослари оилада шаклланади. Жамият мустаҳкам, маънавий ва ахлоқий жихатдан соғлом оила бўлишидан манфаатдордир. Шу сабабли жумхуриятимиз оилани мустаҳкамлашни, болалар тарбияси, шунингдек, ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашда ердам беришни давлат аҳамиятига молик иш деб билади.

Кейинги йилларда республикаимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қарор ва йўл-йўриқларда халқимизнинг ижтимоий-маданий юксалишини таъминловчи фикрлар, тавсиялар берилдики, булар республикаимизнинг асоси — оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камолотида муҳим роль ўйнамоқда. Чунки оилаларнинг ҳар томонлама юксалиши, таъбир жоиз бўлса, жамиятнинг юксалиши

демакдир. Худди шу маънода келажагимиз бўлмиш еш авлод тарбияси ва унинг тараққиети давлат аҳамиятига молик масала ҳамдир. Иккинчи томондан, жамиятнинг оила ва оилавий тарбияга бўлган талаби ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Зотан, ота-оналарнинг болалар тарбияси юзасидан масъулиятини кучайтириш, тарбиялашга оид лаёқатини ошириш, оилавий ва ижтимоий тарбия бирлигини таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир.

Оилавий тарбия деганда ота-оналарнинг ўз ҳаётлари, турмуш тарзлари асосида бола шахсида дунёқараш асослари, сиёсий, ахлоқий, эстетик ва бошқа ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида мунтазам, изчил, ғоявий ва маънавий таъсир кўрсатиш жараёни тушунилади. Бироқ, бунда жамиятимиз тараққиети муносабати билан оила, унинг барча ҳаётий босқичлари жиддий ўзгаришларга учраётганлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Миллатларнинг тарихий, миллий ва регионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оилалар тараққиетини умумий ва хусусий тараққиетлар асосида оилавий тарбияни мақсадга мувофиқ яхшилаш лозим. Бу давлатимизнинг оилада еш авлодни ҳар томонлама камол топтириш жараенига қаратилган илмий ва амалий тавсияларидан биридир.

Ҳозирги замон тараққиети ҳар бир шахсдан воқеликни тўғри тушунишни, хулоса чиқаришни, ахлоқий покликни ва ҳиссий-асабий чидамлиликни, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида мустаҳкам ва фаол бўлишни талаб этмоқда. Маълумки, шахснинг бундай ижтимоий, эмоционал, ҳуққий ва бошқа сифатларига оила асос солади, шакллантиради ва камол топтиради.

Келажагимизнинг қандай бўлиши ҳозирги кунда бир тарбиялаётган ешларга боғлиқ. Бундай улкан вазифани амалга оширувчи, моддий ва маънавий бойликларни яратувчи асос оиладир. Оила жамиятнинг бошланғич ижтимоий бўғин сифатида мураккаб таркибга эга бўлиб, у ўз фаолиятида оила аъзоларининг эҳтиежи ва қобилияти, турли

фаолиятнинг мақсад ва вазифаларинигина эмас, балки тарбиявий фаолиятни ҳам акс эттиради. Унинг мураккаб ва кўпқиррали фаолиятининг ҳаётийлиги икки томонламадир.

- биринчидан, жамиятнинг кичик бир қисми ижтимоий ўзгаришларни ўта сезгирлик билан илғаб оладиган, ўзида акс эттирадиган белгидир. Шунга асосланиб оилавий тарбияни ижтимоий тарбиянинг асосий қисмларидан бири деб ҳисоблаш лозим.

- иккинчидан, оиланинг мураккаб ва кўпқиррали фаолияти унинг вазифалари ва тузилишига, ижтимоий турмуш тарзига, оила аъзоларининг ижтимоий фаолиятларига, уларнинг барча қизиқишлари, эҳтиёжлари ва муносабатларига боғлиқлигини назардан қочирмаслик керак.

Оилавий тарбия методологиси ва методикаси учун энг муҳими унинг алоқадор томонларини, яъни тарбиявий вазифаларни бир маромга солиш, оиланинг ўзига хос хусусиятларини вамавжух имкониятларини аниқаш катта аҳамият касб этади.

Оиланинг тузилиши ва вазифаларини таҳлил этишда у жамиятнинг ижтимоий-маънавий ўзаги эканлиги яна бир бор аён бўлмоқда. Шу сабабли оиланинг аниқ бир мақоми, асоси бўлиши керак ва у кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши, ешларда ахлоқий фазилатларни, жисмоний камолотни, ақлий зийракликни шакллантириши зарур.

Оилавий тарбиянинг ўзига хослиги шундаки, у болаларги ота-оналарнинг ота-оналик, қон-қариндошлик хислатларини узатиб, шахснинг умумий ва ҳиссий ривожланишинигина таъминлаб қолмай, балки шахснинг мавжуд имкониятларини ва ахлоқий камолотини ҳам ўстиради. Шу сабабли оилавий тарбия доимо мавжудлиги, кўрсатмалилиги ва сержилолиги билан ажралиб туради. Унда асосий вазифани халқ, одобга доир тадбирларни болага тўғри ўргатиш, маслаҳат бериш, катталар тажрибасигина эмас, балки оиланинг яшаш тарзи,

муҳити, ота-оналарнинг касб-хунари, оила аъзоларининг маънавий-рухий муносабатлари ўйнайди.

Оила ва оилавий тарбия муаммолари билан шуғулланувчи олимларнинг тадқиқотларида асосий эътибор оила бўйича амалдаги бўлинишга ва болалар тарбиясида ота-оналарнинг фаол даражасига қаратилади. Шунингдек, ота-оналарнинг, болаларнинг ҳамда аёлларнинг бандлиги ва уларнинг болалар тарбиясига бўлган таъсири оиланинг моддий имкониятлари ва турар жойларига боғлаб ўрганилади.

Жамиятнинг моддий ва маънавий камолоти ешларни турли ижтимоий вазифаларни бажаришга, тўпланган муносабатларга доир тажрибаларга, моддий ва маънавий қадриятларга ҳар томонлама ва узоқ тайерлаш лозимлигини талаб этмоқда. Оилавий тарбияда муҳим аҳамият касб этувчи объектив ва субъектив омилларни билмоқ лозим. Объектив омилларга оиланинг моддий фаровонлиги, даромадларнинг турлари, ўзига хослиги ва савияси, уй-жой билан таъминланиш даражаси, мактабгача муассасалардан фойдаланиш, шунингдек, оила аъзоларининг сони, таркиби ва бошқаларни киритиш мумкин. Субъектив омилларга эса оиладаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, маълумот, оила аъзоларининг маданий-маънавий савиялари, ота-оналарнинг муомала маданиятлари ва бошқалар киради.

Оилавий тарбиянинг мураккаблиги яна шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам, жамиятнинг ўзига хос кичик уюшмаси бўлиб, тарбия ишида ўзига хос хусусиятларни намоен қилади. Ана шунинг учун ҳам оилавий тарбиянинг шакл ва услубларини умумлаштириш ва унга бирон-бир тавсиялар бериш ноқулай ва қийиндир. Ота-оналар қанчалик маънавий бой, эътиқодли ва юқори маълумотга эга бўлсалар, шу даражада такомиллашган услуб орқали ўз фарзандларини тарбиялайдилар. Улар фақат маслаҳат бериш, маъқуллаш, муқофотлаш, жазолаш, суҳбат ва ҳикоя, фикр алмашиш билангина эмас, балки шахсий намуналари, болалари билан биргаликда ишлаш, уларни меҳнат

фаолиятига тортиш орқали ҳам тарбиялайдилар. Болалар фаолиятида иштирок этиш уларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг самарали усулидир. Агар болалар ота-оналарининг машғулотларига ўта қизиқиш билан муносабатда бўлишса, улар ўртасида дўстона муносабатлар қарор топади. Болалар ота-оналаридан, ака ва опаларидан ўзаро муносабат мезонларини ўрганиб, нима яхши-ю нима ёмон, нима фойдали-ю ва нима зарарли эканлигини билиб оладилар, улар ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўладилар. Бундан ташқари, оила тажрибали ва касби жихатидан турлича ешдаги кишиларни бирлаштириб туради. Оила аъзоларининг турмуш ва ҳаётий тажрибалари, маданий савиялари қанчалик бой бўлса, улар болалар билан шу даражада яхши мулоқотда бўла олишади, болаларнинг қизиқишларини ўстира олишади.

Ота-оналарнинг умумий, маданий, маълумот савияларининг кўтарилиши ва ижтимоий фаоллик қарор топиши мактаб ва оила алоқалари хусусиятининг ўзгаришига сабаб бўлди. Агар мактаб оила тарбияшунослигига ҳурмат билан муносабатда бўлса, унинг бойликларидан, яъни ота-оналар обрўси, шахсий намунаси, ижобий хиссиётлар асосида тарбиялашларидан фойдалана олса, у ҳолда ота-оналар оталиғи катта кучга, тарбия самарадорлигини таъминловчи мезонга айланади.

Ҳозирги замон оилалари мавжуд жамият билан узвий боғлангандир. Шаҳарларнинг ўсиши, яшаш шароитларининг яхшиланиши, халқнинг моддий ва маданий турмуш савиясининг ошиши ешларни баркамол инсон қилиб тарбиялашга таъсир қилади.

Оилавий тарбиянинг мақсади ва мазмуни барча регионлар бўйича олганда бир-биридан маълум даражада фарқланади. Бу фарқлар миллатларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, ижтимоий-тарбиявий ва маҳаллий шароитлар билан белгиланади. Чунки мамлакатимиздаги халқ ва элатларнинг тарихий-ижтимоий тараққиёт босқичи, оилавий

турмушнинг тарихан таркиб топганлиги, бу борада диннинг салмоқли хиссаси ўзига хосликни вужудга келтиргандир.

Тарбия масаласига ендашадиган бўлсак, кам болали оилаларга нисбатан кўп болали оилаларда болалар тарбияси анча енгил кўчади. Чунки кўп болали оилалардаги болалар ота-оналарининг хатти-ҳаракатларини, ака ва опаларининг улар ўртасидаги ғамхўрликларини, айниқса, бир-бирларига бўлган дўстона муносабатларини, уйдаги ҳар хил вазифаларни сидқидилдан бажаришларини, кичикларнинг катталарга одоб билан муносабатда бўлишларини табиий ҳолда кўрадилар, кузатадилар. Ўзларида ҳам ана шундай ахлоқий сифатларни шакллантириш истаги вужудга келади. Шу сабабли бир қанча болалари бўлган оилада ота-оналарнинг ғамхўрликлари ўзига хос хусусият касб этади. Бундай ғамхўрлик тенг тақсимланган бўлади.

Катта оилада бола ешлигидан жамоага мослашади, ўзаро алоқалар асосида тажриба тўплайди. Агар оилада катта ва кичик болалар бўлса, улар ўртасида турли кўринишлардаги меҳр-муҳаббат ва дўстлик қарор топади. Оилавий ҳаёт болаларни инсоний муносабатларда ўз шахсини камол топтириш имкониятини беради. Кам болали оилаларга нисбатан кўп болали оилаларда шундай ҳаётий вазифалар мавжуд бўладики, масалан, катта акагача ва кичик укагача бўлган меҳр-муҳаббат, яъни бир-биридан фарқланувчи ҳиссиётни, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасида бир-бирлари билан нарсаларнинг тенг айирбошлаш ва бошқалар пайдо бўлади.

Оиланинг туб мақсади ва ҳаракатларининг мазмуни болаларни умуминсоний хулқ мезонларига риоя қилган ҳолда уларни бўлажак меҳнат фаолиятига тайерлашдан иборатдир. Қолаверса, уларнинг ғоявий-сиесий, маданий-оқартув борасидаги қизиқишларига эътибор берилади. Бу борада турли оилаларда берилаётган тарбиянинг бир-биридан фарқи борлигини ҳам унутмаслик лозим. Агар оилада ота-оналар катта ешдаги кишилар бўлса, улар меҳнат нонидан баҳраманд

бўлаётган бўлсалар, инсоний эътиқодлар мавжуд бўлса, бундай оилада тарбияланаётган ешлар ҳаётда муносиб инсон бўлиб етишадилар.

Адабиетлар.

- 1.И.Каримов. Баркомол авлод -Ўзбекистон тараққиетининг пойдевори. Т-1997й.
- 2.И.Каримов. Озод ва обод Ватан,эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз.Т-2000й.
- 3.А.К.Мунавваров.Педагогика.Т-1996й.
- 4.А.К.Мунавваров.Оила педагогикаси.Т-1994й.
- 5.В.Н.Дружина. Социальная психология.С-Пб. 2002й.
6. О.Тўраева «Ойлавий ҳаёт этикаси ва психологияси»Т-1998й.